

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02.30.12. 2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АҲРОРОВА РАЪНО ОЛИМ ҚИЗИ

**КРЕМНЕЗЕМ АСОСИДА МЕЗОГЕНИК ТЕМПЛАТЛАР ЁРДАМИДА
ТАРТИБЛАНГАН МЕЗОҒОВАКЛИ АДСОРБЕНТ СИНТЕЗИ ВА
КОЛЛОИД КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of doctor of filosofy (PhD)

Ахророва Раъно Олим қизи

Кремнезем асосида мезогеник темплатлар ёрдамида тартибланган мезоғовакли адсорбент синтези ва коллоид кимёвий хусусиятлари.....3

Ахророва Раъно Олим кизи

Синтез и коллоидно-химические свойства мезопористого упорядоченного адсорбента, с использованием мезогенных темплатов на основе диоксида кремния.21

Akhrorova Rano Olim qizi

Synthesis and colloidal-chemical properties of mesoporous ordered adsorbent using mesogenic templates based on silicon dioxide.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02.30.12. 2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АҲРОРОВА РАЪНО ОЛИМ ҚИЗИ

**КРЕМНЕЗЕМ АСОСИДА МЕЗОГЕНИК ТЕМПЛАТЛАР ЁРДАМИДА
ТАРТИБЛАНГАН МЕЗОҒОВАКЛИ АДСОРБЕНТ СИНТЕЗИ ВА
КОЛЛОИД КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/К794 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.iopx.uz ва «Ziyounet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жумаева Дилноза Жўраевна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Якубов Йўлдош Юсупбоевич
кимё фанлари доктори, профессор

Эшметов Расулбек Жумязович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 6 » декабр 2024 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: iopx@academy.uz.

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2024 йил « 22 » ноябр куни тарқатилди.
(2024 йил « 22 » ноябрдаги № 22- реестр баённомаси)



Б.С.Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

И.Д.Эшметов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги юксак глобаллашув натижасида жадал фурсатлар билан ривожланиб бораётган кимё саноатининг тараққий этиши билан сорбцион материалларга бўлган талабнинг ҳам ошиши долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда углеродли материалларга, юқори сорбцион хусусиятга эга хомашёларга саноатнинг талаби учун йиллик эҳтиёж бир миллион тоннадан ортиқ миқдорни ташкил этишини инобатга олган ҳолда, уни истеъмолга етказиб беришда ишлаб чиқиш сифатини яхшилаш муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади. Мазкур вазифанинг ечими сифатида таркибида кремнийли хомашёлардан кремний диоксидини ажратиб олиш, модификацияланган мезоғовакли, иеархар структурага эга сорбент олиш асосида саноатнинг талабига мос ҳолда илмий ишланмаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида чиқиндиларни қайта ишлаб янги хом ашё маҳсулотини ишлаб чиқиш орқали юқори тозалikka эга сорбцион материаллар олиш бўйича илмий ва амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада эса бир қатор илмий масалалар ечимларини асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан: таркибида кремний сақлаган хом ашёларни танлаш орқали уларнинг кимёвий таркибини ўрганиш; шоли пўстлоғи чиқиндисидан кимёвий тоза кремний диоксидини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш орқали SiO_2 ни ажратиб олиш; кремний диоксиди ва темплат иштирокида тартибланган, бошқариладиган мезоғовакли сорбцион материал олишда муҳитни таъсирини ўрганиш; мезоген темплатни танлаш орқали иеархар структура синтези усулини ишлаб чиқиш; бошқарилувчи мезоғовакли сорбентларни адсорбцион хусусиятларини тадқиқ этиш билан саноатда қўллашнинг самарадор мос ечимларини излашдан иборат.

Республикамызда кимё саноати учун зарурий хом ашё манбаи ҳисобланган кремний диоксидини юқори тозаликда ажратиб олиш орқали модификацияланган тартибли иеархия структурали, мезоғовакли сорбентлар олиш бўйича илмий тадқиқотлар асосида амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «...миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суратларини таъминлаш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада эса, шоли пўстлоғи чиқиндиси ёрдамида тоза миқдорда кремний диоксидини ажратиб олиш ва унинг асосида юқори самарадор сорбцион материаллар яратишда синтез усуллари, уларни ишлаб чиқариш шароитлари ҳамда сорбцион қобилиятини тадқиқоти бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йилнинг 28 январдаги ПФ-60 сонли фармони

йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси», 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VII “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда шולי пўстлоғи каби бошқа чиқинди хомашё ресурслари ҳамда таркибида кремний мавжуд минералларни қайта ишлаш орқали микрокремнезем ажратиб олиш ҳамда юқори сорбцион материаллар олиш бўйича асосан Ҳиндистон, Хитой ҳамда Ветнам олимлари, жумладан Schmidt H., Huang H.H., Chen Y., Bryans T.R., Kuzmin A.N., Ayler R., Shirosaki Y., Wang Y.J., Dong A.G., Zhang B., Xiao F.S., Gridanurak V., Chiarakorn S., Prayoonpokarach S., Jang H.T., Chirra S., Bhagiyalakshmi M., Yun L.J., Anuradha R., Beck J.S., Kumar A.A., Witoon T. каби чет эл олимлари илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистонда коллоид кимёнинг муҳим тадқиқотлари, адсорбентларнинг адсорбцион ҳамда коллоид-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича академик К.С. Ахмедов бошчилигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакилларидан Э.А.Арипов, С.С. Хамраев, С.Н. Аминов, А.А. Агзамходжаев, У.К. Ахмедов, Г.У. Раҳматқариев, С.З. Муминов, Г.Р. Нарметова, С.А. Абдурахимов, О.К. Бейсенбаев, И.Д. Эшметов, О.К. Эргашов, Д.С. Салиханова, Ҳ.Н. Бахронов, Д.Ж. Жумаева, А.Б. Абдикамалова ва бошқалар унинг ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Олиб борилган тадқиқотларнинг илмий таҳлили шуни кўрсатдики, шולי пўстлоғини таркибидан кремний диоксидини юқори тозаликда ажратиб олиб, тартибланган иерархия кўринишидаги структурага эга юқори ғовакли сорбцион материаллар олишда бошқариладиган текстура, морфология ва сирт кимёсига эга бўлган янги мезоғовакли силикат материалларини ишлаб чиқишнинг синтез шароитларини ҳароратга таъсири ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот ишида шולי пўстлоғи асосида тоза кремний диоксиди реагентини ажратиб олиш ёрдамида тартибланган мезоғовакли сорбцион материал синтезини амалга ошириш бўйича илмий ёндашувларнинг ечими ёритилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ П-4821091630 рақамли «Кремний ва мезогеник темплатларнинг альтернатив манбалари асосида тартибланган мезоғовакли материаллар синтези ва физик-кимёвий хусусиятлари» мавзусидаги халқаро Ўзбекистон-Беларус қўшма фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шולי пўстлоғидан тоза кремний диоксидини ажратиб олиш ва унинг асосида мезоген темплатлар ёрдамида мезоғовакли

сорбцион материал синтези усулини ишлаб чиқиш ҳамда адсорбцион хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсимлик чиқиндиси хомашё ресурс базасини тадқиқ этиш орқали уларни таркибидан кремний диоксиди мавжуд турларини танлашнинг илмий асосларини таҳлил этиш;

танланган шולי пўстлоғи чиқинди хомашёсининг кимёвий таркибини таҳлил этиш орқали кремний диоксиди миқдорини аниқлаш;

шולי пўстлоғи таркибидан кремний диоксидини ажратиб олиш усулларини танлаш орқали юқори тозаликдаги кремнезем ажратиб олиш;

кремний диоксидини мезоген темплат (цетилпиридиний хлорид) билан маълум шароит остида синтезини олиб бориш натижасида тартибланган мезоҶовакли сорбент олиш;

мезоҶовакли сорбентларнинг физик кимёвий (ИК-, рентгенфазали-, СЭМ ва ДТА) таҳлилларини олиб бориш;

танланган мақбул сорбентларнинг сорбцион структура кўрсаткичларини H_2O , C_6H_6 ва N_2 адсорбатлари адсорбциясини турли усуллар ёрдамида аниқлаш;

мезоҶовакли сорбентлар иштирокида саноат оқава сувларини тозалашнинг ярим саноат синовини олиб бориш;

мезоҶовакли тартибланган сорбцион материал олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шолининг пўстлоқ чиқиндилари, кремний диоксиди, мезоген темплат - цетилпиридиний хлорид, тартибланган мезоҶовакли сорбент, H_2O , C_6H_6 ва N_2 адсорбатлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети шолининг чиқинди пўстлоғидан ажратиб олинган тоза кремний диоксиди ва мезоген темплат асосида синтез қилиб олинган тартибланган мезоҶовакли сорбент олиш усули, шунингдек уларнинг физик-кимёвий таҳлил усуллари, сорбцион-структура кўрсаткичлари, коллоид хоссаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқот ишида мезоҶовакли сорбентларнинг физик-кимёвий (ИК-, Рентгенфазали-, СЭМ-, ДТ ва кимёвий таҳлиллари) ҳамда адсорбция (адсорбентларнинг сорбцион-структура кўрсаткичларини аниқлашдаги адсорбция изотермалари, паст ҳароратли азот адсорбцияси) каби замонавий, анъанавий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бора кремний манбаси бўлган шולי пўстлоғидан тоза SiO_2 ни ажратиб олиш ва мезоген темплат–цетилпиридиний хлорид (ЦПХ) ни қўллаш орқали Штёбер усулида тартибланган мезоҶовакли силикат материалларнинг зол-гель синтези усули ишлаб чиқилган;

шולי пўстлоғининг 2.4Ø дисперсликка эга бўлган 650°C ҳароратда қуйдирилган қулини 1%ли HCl да ишлов берилиши орқали олинган намуна таркибида энг юқори – 99,7% миқдорда SiO_2 мавжудлиги аниқланган;

SiO_2 +ЦПХ гибрид композициясида кислотали муҳитда (pH 3≤5) ҳосил бўлган мезоҶоваклар ўлчамлари 30÷40 нм бўлиши физик-кимёвий таҳлил усули

ҳамда азот адсорбция-десорбцияси жараёнлари асосида исботланган;

синтез системасида рН қийматининг 3 дан 8 гача ошиши олинган SiO_2 намуналарининг мезоғоваклар нисбий юзаси ва ғовак ҳажмини 517 дан 968 $\text{м}^2/\text{г}$ гача ва 0,50 дан 0,86 $\text{см}^3/\text{г}$ гача мос равишда ортишига олиб келиши, нисбий юза, мезоғоваклар ҳажми катталиклари ва рН ўзгариши орасидаги боғлиқлиги исботланган;

шоли пўстлоғидан 99,7% дан юқори тозаликдаги кремний диоксиди ҳамда унинг асосида мезоғовакли сорбент олишнинг технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кремний манбаалари асосида 99,7% тозаликдаги аморф кремний диоксидига темплатни қўллаш орқали тартибланган ҳамда бошқариладиган мезоғовакли сорбентлар синтезининг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган;

кремний диоксидига тўртламчи алкилпиридин тузларини киритилиши билан олинган мезоғовакли сорбцион материалларда саноатнинг оқава сувларини тозалашнинг имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг илмий хулосалари замонавий ҳамда анъанавий физик-кимёвий ва аналитик усуллардан олинган илмий натижалар билан тасдиқланган. Илмий янгиликларнинг амалий натижалари “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида амалга оширилган синов далолатномалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шолининг чиқинди пўстлоқ хомашёси таркибидан тоза миқдордаги кремний диоксидини ажратиб олиш, тоза ҳолатдаги SiO_2 га алкилпиридиний хлоридни мезоген темплат сифатида қўллаш орқали тартибланган, иерарх структурага эга бошқарилувчи мезоғовакли сорбентларнинг олинишига, шунингдек уларда танланган адсорбатлар билан адсорбция жараёнида ўзаро таъсир сорбцион механизмининг асослаш орқали изоҳланади. Бунда эса олинган натижаларнинг илмий аҳамияти хомашё манбаининг тозалик миқдори ва унга бириктирилган темплатнинг структура ҳосил қилиши орқали рН муҳитни бошқарилишида мезоғовакли тузилишга эга материалларни ҳосил бўлиш жараёнини мақсадли амалга ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса чиқиндидан иккиламчи тоза маҳсулотни ишлаб чиқиш, унинг асосида янги сорбцион материал синтези усулини амалга ошириш ҳамда олинган адсорбентлар ёрдамида ишлаб чиқариш корхоналари оқава сувларини тозалашда қўллаш учун тавсиялар беришда, шунингдек илмий назарий хулосалардан кимё ва кимёвий технология соҳасидаги таълим муассасаларида бакалавр ва магистрларни тайёрлаш жараёнида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.

Кремний манбаси бўлган шоли пўстлоғи таркибидан ажратиб олинган тоза кремний диоксидига темплат ўрнатилиши натижасида, тартибланган ҳамда бошқариладиган мезоғовакли сорбент материаллар синтези бойича олинган

илмий натижалари асосида:

шоли пўстлоғидан аморф кремний диоксидини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ихтиро патенти олинган (IAP № 7776. 24.07.2024). Натижада, шоли пўстлоғидан юқори тозаликдаги аморф кремний диоксидини олиш усули ёрдамида мезоғовакли силикат материалларни олишнинг имконини берган.

шоли пўстлоғидан ажратиб олинган кремний диоксидини тоза миқдорда ажратиб олиш, шунингдек SiO_2 га темплат сифатида алкилпиридин хлоридни киритиш орқали иеархар тузилишга эга тартибланган мезоғовакли сорбент синтез усули «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг «2025-2026 йилларда амалга ошириш учун истиқболли ишланмалар рўйхатига» киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ўзбекнефтегаз АЖнинг 2024 йил 16 июлдаги 26-62/2721-сон маълумотномаси). Натижада, нефт ва газ саноати оқава сувларининг таркибидан нефт маҳсулотларини ажратиб олишда маҳаллий сорбцион материаллардан фойдаланиб импорт ўринбосар мезоғовакли сорбцион материалларни ишлаб чиқиш имконини беради;

шоли пўстлоғидан ажратиб олинган тоза кремний диоксиди ва унинг иштирокида олинган тартибланган мезоғовакли сорбентлар нефт-газ саноати оқава сувлари таркибидан нефт маҳсулотларини тозалашда қўллаш усули «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг «2025-2026 йилларда амалга ошириш учун истиқболли ишланмалар рўйхатига» киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ўзбекнефтегаз АЖнинг 2024 йил 16 июлдаги 26-62/2721-сон маълумотномаси). Натижада, сорбцион материаллар саноат оқава сувлари таркибидан нефт маҳсулотларини тозалашда рухсат этилган меъёр (РЕМ) таълабларигача, яъни 110,0 мг/лдан 0,13 мг/лгача тозалаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг асосий илмий натижалари бўйича 1 та патент, 6 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан чоп этишга тавсия этилган журналларда 4 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида экспериментал тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгилаб олинган, тадқиқот объектлари ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий


натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиш ҳолати, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Молекуляр импринтинг асосида тартибланган мезоғовакли силикат материаллар синтезида кремнийли манбааларни танлашнинг физик-кимёвий асосларини замонавий адабиётлар шарҳи орқали баҳолаш**» деб номланган биринчи бобида долзарб муаммонинг ечимида тадқиқот ишининг мақсади аниқланиб, бошқариладиган текстура, морфология ва сирт кимёсига эга бўлган янги, тартибланган мезоғовакли силикат материалларини ишлаб чиқиш сифатидаги мезонларга асосланилган.


Адабиётларнинг таҳлили ўсимлик хомашёси асосида термокимёвий ишлов бериш орқали юқори самарали адсорбентларни олиш имкониятини кўрсатиш билан бирга тадқиқот ишининг бажарилиши учун хизмат қиладиган мақсад ва вазибаларнинг шакллантирилишга имкон берган.

Диссертациянинг «**Шоли пўстлоғи чиқиндиси асосида тоза кремний диоксидини ажратиб олиш усули ва технологияси**» деб номланган иккинчи бобида тоза кремний диоксиди ва темплат сифатида танланган цетилпиридиний хлоридни қўлланилиши орқали тартибланган мезоғовакли силикат материал синтези, шоли пўстлоғи ҳамда мезоғовакли силикат материалларнинг таркибидаги кремний диоксиди миқдорининг кимёвий таркиби бўйича дисперслик даражасига боғлиқлиги, шоли пўстлоғидан ноорганик аралашмаларсиз, юқори тозалик даражасига эга SiO₂ ни ажратиб олиш усули ва тоза кремнезем ажратиб олиш технологияси, шоли пўстлоғидан тоза кремний диоксидини ажратиб олишда мақбул реагентлар ҳамда силикат модулли эритмаларни сувда эрувчан шароитларини танлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Бунда дастлаб, чиқинди сифатида танланган шоли пўстлоғи механик аралашмалардан тозаланади, ювилади ва хона ҳароратида қуритилади (25-30°C), сўнгра 1% ли HCl да бир сутка бўктирилиб, кейинги босқичда дистилланган сувда массада HCl йўқолгунича ювилади. Сўнгра 100-110°C да намлик 25-30% га келгунча қуритилади. Тадқиқотнинг кейинги босқичида 90 минут давомида 650°C да куйдирилиш билан олиб борилади. Ҳосил бўлган кулни нормал шароитда (25-30°C гача) совутиб, сўнгра 1% ли HCl билан қайта ювилади ҳамда қуритиш печида 100-110°C ҳароратгача, таркибидаги намликнинг миқдори 15-20% қолгунича қуритилади. Бунда SiO₂ ни тоза миқдорига эришишга HCl таъсири орқали эришилади. Бунда жараён куйидаги реакция тенгламалари ёрдамида ифодаланиши мумкин:




Тадқиқотнинг давомида шולי пўстлоғи тақрибидан SiO_2 ни (99.0÷99.7%) ажратиб олиш асосида, унга темплат (ЦПХ) бириктириш орқали золь-гель синтездан фойдаланиб, Штёбер усулида мезоғовакли силикат материал (МСМ) олиш жараёни амалга оширилади (1-расм). Темплат (ЦПХ) дан 2,5 г ни 47,5 мл SiO_2 (99.0÷99.7%) эритмасида 40°Сда эритиб, 5,0 масс. % ли эритмаси тайёрланди. Тайёрланган СФМ эритмасига 9,19 мл 35,0 масс.%ли H_2SO_4 қўшиб, эритмани 40°Сда 30 дақиқа доимий аралаштирилди. Сўнгра рН нинг 3, 5, 8 birlik қийматларигача ўзгармас бир хил тезликда томчилатиб NH_4OH нинг сувли эритмасини (1:1) нисбатида қўшиб, ҳар бир намуна учун уч қийматли рН-3,-5,-8



1-расм. SiO_2 га СФМ бириктириш орқали золь-гель синтезининг Штёбер усулида тартибланган мезоғовакли силикат материал олишнинг блок схемаси





бирликлари бўйича турли намуналар олинди ва намуналардан вакуум фильтрида чўкмалар ажратиб олинди, сўнгра гидрогеллар доимий хона ҳароратида (25-30°С) қуритилди. Олинган ксерогеллар қуйидаги схема бўйича ювилди: дастлаб $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ 3,0 масс.% ли эритмаси; сўнгра NH_4OH сувли эритмаси билан 2 марта ва сўнгида, 2 марта дистилланган сув билан ювилди. Кейинги босқичда

чўкмалар хона ҳароратида қуритилиб, кукунларни 2 соат давомида 120°Сда иссиқлик билан термик ишлов берилди, тадқиқот давомида 650°Сда 2 соат вақт оралиғида кукунларни куйдириш орқали таркибидаги органик темплат (ЦПХ) чиқариб юборилди. Золь-гель синтези Штёбер усули орқали бошқариладиган, тартибланган, иерарх структуранинг ҳосил бўлиш жараёни 2-расмда келтирилган.



2-расм. Кремний диоксид ва темплат иштирокида мезоғовакли силикат материал синтези. 1.5-6% ли Na_2SiO_3 эритмаси; 2. Темплат (ЦПХ) қўйиши; 3. Магнит аралаштиргичда аралаштириши; 4. Аралашмани филтрдан ўтказиши; 5. Ғоваклардаги органик моддалардан ювиши; 6. Тартибланган мезоғовакли силикат материал каркаси


Борган жараённи куйидаги реакция тенгламалари ёрдамида ифодалаш мумкин:



Диссертациянинг «Кремний диоксида ва унинг синтези асосида олинган мезоғовакли силикат материаллар физик-кимёвий характеристикаларининг тадқиқоти» деб номланган учинчи бобида хомашёларнинг турли дисперсликдаги ҳамда синтез қилинган тартибланган мезоғовакли кремнийли материалнинг рентгенфазавий таҳлиллари олиб борилган. Муқобил кремний манбаалари асосида синтез қилиб олинган силикат материалларнинг ИҚ-спектри, кремний диоксида иштирокида синтез қилиб олинган мезоғовакли силикат материалларнинг СЭМ тасвири асосидаги текстура морфологиясининг таҳлиллари олиб борилган.

Қайта ишлаш натижасида олинган олти бурчакли мезоғовакдан иборат намуна ИҚ-спектроскопик усул орқали таҳлил қилинган. Инфрақизил спектроскопик таҳлил натижасига кўра, намуна барча босқичларидан сўнг СФМ мезоғовакли нанозаррачали кремнезем намунасининг ғовакликларида оз миқдорда

ҚОЛГАН.



3-расм. Синтез усулининг а) 25-30°C ҳамда б) 650°C ҳароратда куйдириш орқали олинган МСМ нинг ИҚ-таҳлили


Шунга асосан, ИҚ-спектрнинг 2924 см^{-1} ва 2854 см^{-1} қисмида органик бирикма таркибидаги С-Н боғларнинг ассиметрик ва симметрик валент тебранишлари кузатилган, атоматик халқадаги тўйинмаган С=С боғлари эса бироз қўйроқ соҳада жуда кам интенсивлик билан 1636 , 1490 ва 1467 см^{-1} соҳалардаги ИҚ нурларни ютилиши кузатилган (3-расм (а)). Асосий таркиб SiO_2 молекулаларининг ўзаро тўрсимон ғоваклик ҳосил қилиши улар ўртасидаги боғланишларнинг ортишига олиб келган ва шунинг учун О-Si-O боғлари тегишлича 1040 см^{-1} соҳада юқори интенсивликдаги валент тебранишлари кузатилган. Шунингдек ундан қўйи соҳада Si-O боғларининг деформацион тебранишлари кучсиз интенсивлик билан содир бўлган.

Мезоғовакли кремнийга сўнги ишлов муфел печида 650°C да кислородсиз шароитда берилган, ушбу ишлов натижасида ғовак материал таркибидаги пораларда бўладиган органик қисм парчаланган ва асосий таркибий қисмдан йўқолган. Олинган сўнги намуна ИҚ спектроскопик усул билан анализ қилинди.


Таҳлил натижасига кўра, ИҚ нурнинг асосий интенсивликлари бармоқ изи соҳаларда намоён бўлди, хусусан 1043 см^{-1} соҳада юқори интенсивлик билан О-Si-O боғларининг ассиметрик валент тебранишлари, 962 см^{-1} соҳаларда ўртача ютилиш интенсивликларида ушбу боғнинг симметрик валент тебранишлари кузатилди. Бармоқ изи соҳаларининг қўйи қисмида 775 , 685 ва 571 см^{-1} соҳаларида Si-O боғининг деформацион тебранишлари кузатилган. (3-расм (б))

Текстур хусусиятларининг таҳлилидан кўринадики, МСМ да асосан икки хил кўринишдаги нанозаррачалар кузатилади. Бунда Штёбер усулида олиб борилган синтез орқали олинган МСМнинг юзалари силлик, текис шарсимон кўринишдаги заррачалар ҳамда сувдаги маржон рифларини эслатувчи кичикроқ ўлчамдаги нанозаррачаларнинг жамланмасидан иборат кўринишни намоён этади. Олинган МСМларнинг СЭМ тасвирларида ($1\text{-}2\text{ }\mu\text{m}$) микро ўлчамдан нано (500 nm) ўлчамгача қиймат кўрсаткичлари оралиғидаги тасвирлар олинган.


Бунда синтез жараёнида бошқарилган рН-3, рН-5, рН-8 бирлик қийматларда олинган материалларнинг микротасвирлари (5-расм) келтирилган. Микротасвир натижалари асосида олинган заррачалар ҳажми $<0,2\text{ мкм}$ дан 1 мкм гача, ўртача заррачанинг диаметри $0,6\text{ микронга}$ тенглиги тадқиқот натижалари асосида аниқланган.



pH3



pH5




pH8

5-расм. Шоли пўстлоғидан олинган SiO₂ эритмасининг рН нинг 3, 5, 8 бирлик қийматларида ҳосил бўлган МСМнинг СЭМ тасвири

Диссертациянинг «Мезоғовакли силикат материалларнинг сирт морфологияси, структура ва текстур хоссалари ҳамда адсорбция хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида мезоғовакли силикат материалларнинг ТГ ва ДТ таҳлили, сув буғи ҳамда бензол буғи адсорбцияси, паст ҳароратли азот адсорбция-десорбция изотермаси натижалари келтирилган.


МСМ намуналарнинг ТГ ва ДТ таҳлили келтирилган 6-8 расмларда натижалар 100°C дан паст кўрсаткичда, 100°C÷200°C гача бўлган ораликда ҳамда 200°Cдан юқори ҳарорат ораликларида уч босқичдан иборат бўлган масса йўқотилиши орқали изоҳланади. Бунда, мос ҳолда қолдиқ сувларнинг десорбцияси, шунингдек боғланган сув молекулаларининг буғланиб кетиши, ҳамда темплат (ЦПХ)нинг чиқиб кетиши билан изоҳланади. МСМ синтези жараёнида темплат цетилпиридиний хлоридни синтез жараёни сўнггида ювиш босқичида чиқариб юборилади. Бунда, муҳит рН нинг ортиши билан темплатнинг структура ғовақларини қоплаши камаяди. Бунда мусбат

зарядланган силикат кремний ва цетилпиридиний ўртасида кучли ўзаро таъсирлашув боради.



6-расм. МСМнинг рН-5 бирлик қийматида олинган ТГ-, ДТГ- ва ДТ аналитик эгриликлари


Синтез жараёни сўнггида куйдирилиш жараёнида эса структурада тартибланган кремнийли силикат ғоваклар қолиб, цетилпиридиний хлорид чиқиб кетади. Тадқиқот натижалари силикат матричасига киритилган темплатни микдорини ўрганиш мақсадида термал таҳлил тадқиқ этилди.



7-расм. МСМнинг рН-8 бирлик қийматида олинган ТГ-, ДТГ- ва ДТ аналитик эгриликлари

Синтез жараёнида ЦПХнинг кремнезем сирти бўйлаб конденсацияланиши $\text{Si}(\text{OH})_4$ нинг поликонденсацияланиш реакцияси орқали ҳосил бўлганда SiO_2 нинг юзасида сувни осон адсорбция қиладиган силанол гуруҳларидан иборат бўлганлиги туфайли МСМ намуналарини 120°C ҳароратда қиздирилганда кейингиси осон йўқолиши кузатилди. Шу сабабли, тадқиқотда ҳароратни янада кўтариш орқали уч турдаги силанолларнинг конденсацияси кузатилди. Бунда сувнинг йўқолиши билан боғлиқ бўлган масса йўқолиши - изоляцияланган, геминал ва висинал, силанол гуруҳларининг конденсацияси натижасида ҳосил бўлган масса йўқотилишини аниқлаш мақсадида, шунингдек цетилпиридиний хлорид темплатнинг чиқиб кетиши жараёнини термик таҳлил орқали тадқиқ этилди. Бунда МСМ материалларни олиниши синтезидаги цетилпиридиний хлориднинг парчаланиб кетишининг тадқиқоти натижалари келтирилган ТГ-, ДТГ- ва ДТ-аналитик таҳлил орқали олинган эгри чизиқлар (6-8 расмлар) да

келтирилган ксерогелларнинг ТГА эгри чизиқлари 100°C дан паст, 100 дан 200°C гача ва 200°C дан юқори ҳароратларда масса йўқолишига мос келадиган учта бўлакдан иборат бўлиб, биринчи ва иккинчи бўлақлар мос равишда физик ва кимёвий адсорбцияланган сувга тегишли.



8-расм. МСМнинг рН-3 бирлик қийматида олинган ТГ-, ДТГ- ва ДТ эгриликлари


200°C дан юқори қиздирилганда масса йўқотиши билан боришини, силанол гуруҳларининг конденсацияси билан боғлиқ бўлганлиги орқали изоҳланади. Бунда муҳитнинг рН қиймати -3, -5, -8 бирликкача ошса силанол гуруҳларининг конденсацияланиши камаяди, аксинча муҳит рН нинг камайиши билан мазкур силанол гуруҳларининг конденсация реакцияси устунлик қилади ва уларнинг сонининг камайишига олиб келади. ЦПХнинг парчаланиб йўқолиши ва силанолнинг конденсацияланиши натижалари темплатнинг 200°C дан 700°C гача ҳарорат оралиғида олинган термограммалар (ТГ) орқали солиштирилган.

Силикатли ксерогелларининг ДТГ диаграммаларида силанол гуруҳларининг парчаланиши билан боғлиқ бўлган иккита чўкки кўрсатилган. Муҳитнинг пастроқ рН қийматларида синтез қилинган кремний диоксиди ва ЦПХ учун 271°C да қўшимча чўккиннинг кузатилиши мазкур чўккиннинг интенсивлиги рН қийматининг 3 дан 8 гача ортиши билан тушунтирилади. Таҳлиллардан кўринадики, 572°C-580°C ҳароратларда чўккиннинг максимал пики муҳитнинг рН -5 ва -8 бўлганида МСМ синтезидаги сорбент материалларида кузатилади. Бунинг сабаби темплатнинг мицелла таёқчаларининг айримлари кремний диоксидининг атрофидаги ҳалқа билан ўраб олиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, бунинг натижасида эса органик полимернинг термал парчаланиши жараёнида кислороднинг ичкирига киришни чеклашга олиб келади. Танланган перекурсорнинг роли оксид тизимидан коллоид эритма тизимига ўтиши билан жараён кетма кетлигида ёки гел ёки дискрет заррачалар ҳосил бўлишидан иборат.

Экспериментал тадқиқотлар натижасида нано ўлчамга эга бўлган мезоғовакли кремнийли силикат материалларда (МКСМ) текстура, функционалик ва морфология каби жараёнларни яхши назорат қилувчи гибрид нанокөмпозитларнинг синтези бўйича янги универсал ёндашув ишлаб чиқилди, бунда макромолекулалардан мезоғовакли каркас сифатида фойдаланиш орқали мақсадга эришилган.

Асосий илмий ёндошув эса турли хил муҳитларда рН- 3, 5, 8 қийматларида ҳосил бўлган силоксан олигомерлари золь-гель жараёнининг “мослашиши” билан сурфактантгли темплат кремний диоксидини ўзаро боғлаши орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижалари золь-гель усули билан муҳит рН нинг -3, -5, -8 бирлик қийматларида олинган кремний диоксиди ҳамда цетилпиридиний хлориднинг композицияси орқали синтез жараёни олиб борилган МСМларда азотнинг физикавий адсорбцияси усули тадқиқ этилган (9-расм, рН-3).



9-расм. Азот адсорбция-десорбциясининг изотерма эгрилиги, муҳитнинг рН-3 бирлик қийматида олинган МСМнинг адсорбат-адсорбент ўзаро таъсирининг ғовак ўлчамлари ҳамда интенсивлик тақсимоти

1-жадвалда МСМ намуналарининг нисбий юзаси БЭТ бўйича (A_{sp} , $A_{БЭТ}$), Ленгмюр бўйича эса (A_L), t – усули бўйича (A_{ext}), Барретт-Жойнер-Галенд бўйича эса ($A_{ВЛH адс.}$, $A_{ВЛH дес.}$), DFT (A_{DFT} , A , $A_{ум.}$) ва энергия доимийси $S_{БЭТ}$ паст ҳароратли азот адсорбция-десорбция усули асосида тадқиқ этилган. Бунда маълум бўладики, SiO₂нинг рН муҳит қийматининг ошиб бориши билан нисбий юзаси A_{sp} 10% гача, яъни БЭТ бўйича $A_{БЭТ}$ – 13,5% га, Ленгмюр бўйича A_L - 12,8% га

ҳамда t -усули бўйича эса $A_{ext} - 27,5\%$ га камайиши кузатилади, аммо мезоғовакларнинг Баррет-Жойнер-Галенд бўйича ($A_{ВЛН адс.}, A_{ВЛН дес.}$) солиштирма сирт юзасининг мос равишда 88,3% ва 56,4% ошиши кузатилди, бунда A_{DFT} нинг қиймати эса сезиларсиз кўрсаткич билан жами 2,9% га ошиши кузатилди.

1-жадвал

МСМ ларда паст ҳароратли азот адсорбция-десорбцияси изотермаси натижалари

pH	$A_{sp},$ м ² /Г	$A_{вет},$ м ² /Г	$A_L,$ м ² /Г	$A_{ext},$ м ² /Г	$A_{ВЛН},$ адс., м ² /Г	$A_{ВЛН},$ дес., м ² /Г	$A_{DFT},$ м ² /Г	$A,$ м ² /Г	$A_{ум},$ м ² /Г	$S_{БЭТ}$
3	1293	1418	2024	2496	514	621	1667	48 (ҒОВ.> 108,566 нм)	495 (ҒОВ.> 1,591 нм)	36
5	1220	1319	1871	2291	668	819	1676	26 (ҒОВ.> 294, 478 нм)	475 (ҒОВ.> 1,591 нм)	42
8	1163	1249	1764	1810	968	971	1716	57 (ҒОВ.> 117.233 нм)	484 (ҒОВ.> 1,591 нм)	49

Бундай ҳолда, $S_{БЭТ}$ энергия константасининг қийматлари кетма-кетликда 36 дан 49 гача кўтарилади (1-жадвал). Бу мезоғовакларнинг нисбий юзасининг ошиши ва сирт кутбланишининг ошиши билан мос келади. $S_{БЭТ}$ қиймати БЭТ диапазонидаги изотерма шаклини тавсифлайди ва адсорбция энтальпиясининг миқдорий ўлчови бўлмаса ҳам, у адсорбат ва адсорбент ўзаро таъсирининг энергияси ҳақида фикр беради ва кутблиликни солиштириш имконини беради. Шундай қилиб, $S_{БЭТ}=100$ қиймати гидрофил гидроксилланган SiO_2 юзасига хосдир ва $S_{БЭТ}=20$ қиймати гидрофобик сиртга хосдир, масалан юқори ҳароратларда термал ишлов берилади. Жадвалдаги доимий $S_{БЭТ}$ қийматлари 1-жадвални БЭТ га мувофиқ сирт майдонининг ўзига хос қийматлари билан боғлаш мумкин. 1-жадвал доимий $S_{БЭТ}$ нинг ўзгариши сирт кутбланишининг ўзгариши билан содир бўлади деб тахмин қилиш мумкин. 8 бирлик юқори pH да олинган SiO_2 даги кутбланишнинг ортиши сабаби pH 3 ва 5 дан паст pH қийматларида олинган тартибланган кремнийлардан фарқли ўларок, ҳароратнинг ошиши билан сувсизланиши пайтида SiO_2 таркибининг нисбатан кам гидрофобланиши ҳисобидан амалга ошади.

Намуналарнинг паст ҳароратли азот адсорбция-десорбция изотермалари асосида ҳисоблаб топилган ғовакларнинг ҳажмий кўрсаткич натижалари бўйича, (2-жадвал) умумий ғовакларининг ҳажми ($V_{sp ads.}, V_{sp des.}$), мезоғовакларнинг ҳажми эса ($V_{ВЛН ads.}, V_{ВЛН des.}$), шунингдек, Хорвату-Кавазоэ бўйича максимал ғоваклар ҳажми ($V_{Н-К}$) ҳамда DFT бўйича умумий ғоваклар ҳажми V ва $V_{ум}$ катталиклари натижалари (3-жадвал) олинган. МСМ намуналарининг адсорбат-адсорбент ўзаро таъсирининг интенсивлик тақсимооти $NLDFT$ усули ёрдамида ҳисоблаб топилган. Бунда тарқатиш мультимодал бўлиб, сиртнинг кўп қисми

турли хил ўзаро таъсир кучлари билан тавсифланади. Сирт майдонини тақсимлаш параметрларининг ҳар бири ўзаро таъсир параметрларининг турли диапазонларида барқарор бўлган ўзгарувчан интенсивликнинг учта режимини акс эттиради.

2-жадвал

МСМ намуналарида паст ҳароратли азот адсорбция-десорбцияси изотермаси асосида олинган ғовакларнинг ҳажмий кўрсаткич натижалари

pH	$V_{sp \text{ адс.}}$, см ³ /Г	$V_{sp \text{ дес.}}$, см ³ /Г	$V_{ВЛH \text{ адс.}}$, см ³ /Г	$V_{ВЛH \text{ дес.}}$, см ³ /Г	V_{H-K} , см ³ /Г	V , см ³ /Г	$V_{ум.}$ см ³ /Г
3	0,93	0,94	0,50	0,56	0,94	0,13 (ғОВ <1,591 нм)	0,70 (ғОВ < 108.566 нм)
5	0,91	0,94	0,62	0,71	0,97	0,13 (ғОВ <1,591 нм)	0,78 (ғОВ < 294,478 нм)
8	0,99	1.00	0,86	0,86	1.01	0.12 (ғОВ <1,591 нм)	0,78 (ғОВ < 117,233 нм)

Бунда pH қиймати 3 дан 8 гача ошгани сайин, иккинчи режимнинг интенсивлиги пасаяди, ≈ 100 дан ≈ 75 гача, иккинчи ва учинчи режимларда эса ўзгариши кузатилади. 3-жадвалда – С ўртача тешик ҳажми ($D_{sp \text{ адс.}}$, $D_{sp \text{ дес.}}$), ўртача мезоғовак ҳажми ($D_{ВЛH \text{ адс.}}$, $D_{ВЛH \text{ дес.}}$), ўртача ғовак кенглиги (D_{H-K}), Хорвату-Кавазоэ бўйича МСМ намуналари учун аниқланган.

3-жадвал

МСМ намуналарининг ўртача ғоваклар ҳажмининг Хорвату-Кавазоэ бўйича катталиқ қийматлари натижалари

pH	$D_{sp \text{ адс.}}$ (4V/A _{БЭТ}), нм	$D_{sp \text{ дес.}}$ (4V/A БЭТ), нм	$D_{ВЛH \text{ адс.}}$ (4V/A), нм	$D_{ВЛH \text{ дес.}}$ (4V/A), нм	D_{H-K} , нм
3	2.6	2.6	3.9	3.6	2.0
5	2.8	2.8	3.7	3.5	2.2
8	3.2	3.2	3.6	3.5	2.4

Ғовак ҳажмларининг қийматлари $V_{sp \text{ адс.}}$, $V_{sp \text{ дес.}}$, V_{H-K} , V , $V_{ум.}$ қиймат кўрсаткичлари 2-жадвалда pH қийматига қараб, мезоғовакларнинг ўзига хос ҳажмларидан фарқли ўлароқ, аҳамиятсиз даражада ўзгаради, $V_{ВЛH \text{ адс.}}$ ва $V_{ВЛH \text{ дес.}}$ унинг ўсиши pH нинг 3 дан 8 қийматгача ортиши билан мос равишда 72% ва 54% ни ташкил қилади (3-жадвал). Ўртача тешик диаметрлари $D_{sp \text{ адс.}}$ ва $D_{sp \text{ дес.}}$ 23% га, D_{H-K} - 20% га ошади. Бундай ҳолда, мезоғовакларнинг ўртача диаметрлари $D_{ВЛH \text{ адс.}}$ ва $D_{ВЛH \text{ дес.}}$, мос равишда 7,7% ва 2,8% га камаяди. МСМ намуналари pH муҳитини 3 дан 8 гача ўзгартирганда, pH нинг қиймати, нисбий юза ва мезоғовакларнинг ҳажми ўртасида ўзига хос боғлиқлик кузатилади. Ушбу муносабатлар мезоғоваклар нисбий юзасининг 514 дан 968 м²/Г гача оширилишидан иборат, яъни, заррачалар ҳажмининг камайишида ва

мезоfoваклар ҳажмининг 0,50 дан 0,86 см³/г гача ошишида, бу СЭМ ва паст ҳароратли азот адсорбция-десорбцияси изотермаси натижалари билан тасдиқланади. Бу ҳолат рНнинг -3 ва -5 бирликда олинган материалларга нисбатан рН нинг -8 бирликда олинган сорбентнинг юқори механик мустаҳкамлиги ва барқарорлиги билан боғлиқ, чунки рН ортиб борган сари кичик заррачаларнинг ўз-ўзидан бирлашиши сезиларли даражада кучаяди, шунингдек, энергия доимийси $S_{БЭТ}$ ортиши билан бирга кремний юзаси гидрофилизация даражаси ҳам ўзгариши кузатилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Турли (450÷650°C) ҳароратларда куйдирилган 0.075÷5 мм дисперсликдаги шולי пўстлоғи кулларининг ҳосил бўлиш унумидан, 650°C ҳарорат тоза миқдордаги SiO₂ ни ажратиб олиш учун энг мақбул шароит сифатида танланган.
2. Шולי пўстлоғи чиқиндисини таҳлил этиш орқали 2.4 Ø дисперсликка эга бўлган 650°C ҳароратда куйдирилган кул миқдорининг таркибида энг юқори SiO₂ -99,7% миқдорда мавжуд бўлиши аниқланган.
3. Кул таркибидаги минераллар миқдорини таҳлили асосида ҳар бир фазада SiO₂ мавжудлиги, унинг таркибида Китит 21,06% > Тридимит 18,56% > Na₈ (Al₄ Be Si₇ O₂₄) Br₂ 12,87% > Содалит 12,86% > Крестобалит 11,94% > O₂ Si 11,33% миқдорида минераллар мавжудлиги аниқланиб, бунда 2,4Ø ли шולי пўстлоғининг кули таркибида энг юқори 99,7% SiO₂, қолган 0,3 % ини эса китит, тридимит, содалит, крестобалит каби SiO₂ нинг бошқа хил кўринишдаги минераллари мавжудлиги аниқланган.
4. Кремний манбааси бўлган шולי пўстлоғи таркибидан SiO₂ ни ажратиб олиб, унга мезоген темплат (ЦПХ)ни бириктириш орқали, Штёбер усулида тартибланган, бошқарилувчи мезоfoвакли кремнийли иеархар структурага эга материаллар олишнинг зол-гель синтез усули ишлаб чиқилган;
5. Бошқариладиган рН нинг кислотали муҳитда (рН 3≤5) гибрид композиция таркибли SiO₂ ҳамда темплат (SiO₂ +ЦПХ) иштирокида ҳосил бўлган иеархар структурали мезоfoвакларнинг ўлчамлари 30÷40 нм га тенг бўлиши рентгенфазвий, термик таҳлил ҳамда физикавий азот адсорбция-десорбция изотермаси натижалари орқали тасдиқланган.
6. SiO₂ +ЦПХ синтезидаги зол-гель усулида олинган МСМларнинг азот адсорбция-десорбцияси изотермаси ҳамда муҳитни бошқарилиши орқали заррачаларнинг катталигини <0,2 дан 1 мкмгача, ўртача заррача диаметрини эса 0,6 микронгача, рН нинг 3÷8 гача ўзгариши орқали тартибланган мезоfoвакларнинг ҳажми ва нисбий юзаси орасидаги боғлиқлик орқали аниқланган;
7. МСМларнинг нисбий юзаси $S_{БЭТ} = 514÷968$ м²/г ораликда ҳамда мезоfoвак ҳажмининг 0,50÷0,86 см³/г ораликда ўзгариши азот адсорбция-десорбция натижалари орқали тасдиқланган;
8. Шולי пўстлоғидан 99,7% дан юқори тозаликдаги SiO₂, ҳамда у асосида МСМларнинг олиниши технологияси ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02.30.12.2019.К/Т35.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

АХРОРОВА РАЪНО ОЛИМ КИЗИ

**СИНТЕЗ И КОЛЛОИДНО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА
МЕЗОПОРИСТОГО УПОРЯДОЧЕННОГО АДсорбЕНТА, С
ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МЕЗОГЕННЫХ ТЕМПЛАТОВ НА ОСНОВЕ
ДИОКСИДА КРЕМНИЯ**

02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером В2024.2.PhD/K794

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.iopx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу www.ziyounet.uz.

Научный руководитель:	Жумаева Дилноза Жураевна доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Якубов Йулдош Юсупбаевич доктор химических наук, профессор
	Эшметов Расулбек Жумязович доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ферганский политехнический институт

Защита состоится « 6 » декабрь 2024 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.02.30.12.2019.K/T35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: iopx@academy.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 22 с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан « 22 » ноября 2024 года.
(Реестр за № 22 от « 22 » ноября 2024 года).



Закиров Б.С.
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н.

Салиханова Д.С.
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н.

И.Д.Эшметов
Зам.председателя научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире с развитием химической промышленности, обусловленным стремительной глобализацией и интенсивным прогрессом, потребность в сорбционных материалах становится одной из актуальных проблем. На сегодняшний день годовая потребность промышленности в углеродных материалах и сырье с высокими сорбционными характеристиками превышает один миллион тонн. В связи с этим улучшение качества производства и поставок таких материалов становится важной и насущной задачей. Решением данной задачи является выделение диоксида кремния из кремнийсодержащего сырья и получение модифицированных мезопористых сорбентов с иерархической структурой, что имеет значительное научное и практическое значение для удовлетворения потребностей промышленности.

В мировой практике активно проводятся научные и практические исследования, направленные на переработку отходов для создания новых сырьевых продуктов и получения сорбционных материалов высокой чистоты. Особое внимание уделяется решению таких задач, как выбор кремнийсодержащего сырья и изучение его химического состава, разработка технологии выделения химически чистого диоксида кремния из рисовой шелухи, исследование влияния среды на синтез упорядоченных и управляемых мезопористых сорбционных материалов, создание методов формирования иерархической структуры с использованием мезогенного темплата, а также изучение адсорбционных свойств управляемых сорбентов для их промышленного использования.

В нашей республике ведутся научные исследования, направленные на получение модифицированных, упорядоченных сорбентов с иерархической структурой и мезопористой текстурой путем выделения высокочистого диоксида кремния, являющегося необходимым сырьевым источником для химической промышленности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, такие как «ускоренное развитие национальной экономики и обеспечение высоких темпов роста»¹. В данном контексте научные исследования, посвященные выделению чистого диоксида кремния из отходов рисовой шелухи, созданию на его основе высокоэффективных сорбционных материалов, изучению методов их синтеза, условий производства и сорбционной способности, имеют особое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года.

№ ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В мире целенаправленные исследования в области переработки отходов, таких как рисовая шелуха, и минералов, содержащих кремний, для получения микрокремнезема и создания высокоэффективных сорбционных материалов, проводятся учеными из Индии, Китая и Вьетнама, среди которых Schmidt H., Huang H.H., Chen Y., Bryans T.R., Kuzmin A.N., Ayler R., Shirosaki Y., Wang Y.J., Dong A.G., Zhang B., Xiao F.S., Grisdanurak V., Chiarakorn S., Prayoonpokarach S., Jang H.T., Chirra S., Bhagiyalakshmi M., Yun L.J., Anuradha R., Beck J.S., Kumar A.A., Witoon T.

В Узбекистане под руководством академика К.С. Ахмедова была создана научная школа, занимающаяся исследованием коллоидной химии, адсорбционных и коллоидно-химических свойств адсорбентов. Значительный вклад в её развитие внесли Э.А. Арипов, С.С. Хамраев, С.Н. Аминов, А.А. Агзамходжаев, У.К. Ахмедов, Г.У. Рахматкариев, С.З. Муминов, Г.Р. Нарметова, С.А. Абдурахимов, О.К. Бейсенбаев, И.Д. Эшметов, О.К. Эргашов, Д.С. Салиханова, Х.Н. Бахронов, Д.Ж. Жумаева, А.Б. Абдикамалова и другие.

